

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ САНОАТ УСУЛИДА ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАНЖИРИДА КООПЕРАЦИОН АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Г.Т.Исмоилова,

ТДИУ таянч докторанти

Аннотация

Мақолада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саноат усулида қайта ишлаш занжирида кооперацион алоқаларни мустаҳкамлаш йўллари, жумладан фермер ва деҳқон хўжаликларининг улуш қўшиб, ҳамкорлик асосида маҳсулотларни қайта ишловчи кооперативлар ташкил этиш масалалари ёритилган.

Таянч иборалар: фермер ва деҳқон хўжаликлари, меҳнат тақсимоли, ҳамкорлик, устав капитали, пай, фойдани тақсимлаш, кооператив

Озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш занжирида интеграцион алоқаларни ривожлантириш йўналишларидан бири – бу фермер ва деҳқон хўжаликларининг улуш қўшиш асосида устав капитали шакллантириладиган кооперативлардир. Википедияда кооперативга қуйидагича таъриф берилган: “Кооператив ўз аъзоларининг моддий ва бошқа эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ умумий иқтисодий ва ижтимоий мақсадларга эришиш учун тузилган, шу мақсадлар учун тузилган жамғармага ўз пай улушини киритган, ташкилотнинг фаолияти билан боғлиқ хатарлар ва натижаларни тан олувчи, пай эгаси сифатида унинг фаолиятида ва демократик бошқарувида иштирок этувчи жисмоний шахслар ва ташкилотлар бирлашмасининг аъзолигига асосланган ташкилотдир” [1].

Бир ишлаб чиқариш тизимига уюшган ва меҳнат тақсимолига эга корхоналар гуруҳи ўзаро манфаатли кооперацияга таянади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва саноат усулида қайта ишлаш занжирида кооперациянинг афзалликлари бир қатор омиллар таъсирида шаклланади. Хусусан, иқтисодиётда ишлаб чиқариш ҳажмининг “кўлам самараси” маҳсулот таннархига (ўртача харажатларга) ва иқтисодий самарадорликка кучли таъсир кўрсатади. Бу назарияга кўра, узок муддатли ораликда маҳсулот бирлигига нисбатан ўртача харажатларни камайтириш ва фойдани максималлаштириш учун ишлаб чиқариш ҳажмини маълум чегарагача ошириб бориш талаб этилади. Яъни, бунда жами ишлаб чиқариш харажатларининг ошишига нисбатан маҳсулот ҳажмини ошиш суръатлари юқорилиги таъсирида маҳсулот бирлигига нисбатан ўртача харажатлар пасайиб бориб, “ижобий кўлам самараси” юзага келади [2].

Кўп ҳолларда йирик ишлаб чиқариш кичик ҳажмли ишлаб чиқаришга нисбатан бир қатор устунликларга эга бўлади. Айрим иқтисодчиларнинг фикрича, мева-сабзавотларни қайта ишлашда “замонавий корхона рентабелли бўлиши учун мавсум давомида камида 5 минг тонна мева-сабзавот хомашёсини қайта ишлаши лозим. Ундан кам миқдордаги хомашёни қайта ишлаш фойдали эмас. Ўртача ҳосилдорлик 25 тонна/га бўлганда бундай корхона 200 гектар майдоннинг ҳосилини қабул қилиб олишга қодир бўлади. Жуда кўп турдаги саноат жиҳозларининг ишлаб чиқариш қуввати суткасига 150-600 тонна хомашёни қайта ишлашга етади [3]. Агар 2020 йилда мева ва резаворларнинг республика бўйича ўртача ҳосилдорлиги гектарига 11,9 тонна (узумда 15,3 тонна) эканлигини эътиборга олсак, кўп тармоқли фермер хўжалиги ўз-ўзини сифатли хомашё билан таъминлаши учун 420 гектар боғ майдонига (узумчиликда 326 гектар) эга бўлиши лозимлигини кўрамыз.

Таъкидлаш жоизки, фермер хўжалиги учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва бир вақтнинг ўзида қайта ишлаш билан шуғулланувчи йирик ишлаб чиқаришни ташкил этиш оғир кечиши мумкин. Ўзбекистонда мева ва сабзавотларнинг ҳосилдорлиги нисбатан паст, бу экинларни етиштиришга ихтисослашган хўжаликлар экин майдонлари эса унчалик катта эмас. Республикамизда 2019 йили мева ва резаворларнинг 58,2, узумнинг 55,3 ва сабзавотларнинг 66,7 фоизи деҳқон ва томорқа хўжаликлари томонидан етиштирилди. Аммо уларнинг ўртача ҳажми 1 гектардан ошмайди. Бу мева-сабзавот ишлаб чиқаришга ихтисослашган ҳар бир фермер, айниқса, деҳқон хўжалиги қайта ишлаш учун ўз қувватларига эга бўлиши иқтисодий жиҳатдан самарасиз эканлигини англатади. Ҳатто йирикрок хўжаликлар ўзларида қайта ишлаш жиҳозларини ўрнатсалар ҳам ўз хомашёлари билан буни уддалашлари қийин. Қайта ишлаш корхонаси битта фермер хўжалигига тегишли бўлиши ҳам мумкин, аммо бунда у ишлаб чиқаришни ташқаридан хомашё билан таъминлашига, ёки бошқача қилиб айтганда, бозордан хомашё сотиб олишига тўғри келади.

Кичик ҳажмли бу хўжаликлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашга қодир эмасликлари сабабли, етиштирилган маҳсулот асосан янги узилган ҳолида деҳқон бозорлари орқали реализация қилинади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини янги узилган ҳолида (хўл мева-сабзавотлар шаклида) сотиш деҳқон ва фермерларни етарлича даромад билан таъминлаши гумон. Маҳсулотларни “етиштириш-сақлаш-қайта ишлаш-сотиш” занжирида асосий фойдани хомашё етказиб берувчилар эмас, балки тайёрлов, қайта ишлаш ва сотиш бўғинидаги фирмалар олади. Шу сабабдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи хўжаликлар ва қайта ишлаш корхоналари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва кооперацияга асосланган чуқур ҳамда мустаҳкам интеграцион алоқаларни кучайтириш зарурати юзага келмоқдаки, бундай интеграциялашувдан ҳам фермер ва деҳқон хўжаликлари, ҳам қайта ишлаш саноати корхоналари манфаат кўради.

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июндаги “Кооперация тўғрисида”ги қонуни юридик ва жисмоний шахсларга кооперативга ихтиёрий равишда кириш ва ундан эркин чиқиш, кооперативни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини, кооперативларни мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар билан тенг ҳуқуқлилик асосида ривожлантириш, жамоа бўлиб хўжалик юритиш мустақиллигини ҳамда уставда белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан қарорлар қабул қилишда кооперативнинг мустақиллигини кафолатлайди. Ушбу қонуннинг 1-моддасида келтирилганидек: “Кооперация жисмоний ва юридик шахсларнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий фаолиятнинг турли соҳаларида умумий мақсадларга эришиш учун ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилган, мулкнинг ширкат (жамоа) шаклига асосланган ихтиёрий бирлашмаларидан (кооперативларидан) иборатдир” [4].

Кооператив ўз аъзоларининг иқтисодий манфаатлари билан чамбарчас боғланган. Унинг асосида кооперациянинг қуйидаги асосий тамойиллари ётади: кооперативга аъзолик ва ундан чиқишнинг ихтиёрийлиги; ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари; фойда олишни бош мақсад қилиб қўйилмаслиги, яъни кооператив ўз аъзоларига ёрдам бериш мақсадида тузилади; бошқарувнинг демократик хусусияти; аъзоларнинг кооператив ишларида тўлиқ иштироки ва унинг натижаларини ўзаро назорат қилиш имконияти; якуний даромадни (фойдани) кооператив аъзолари ўртасида уларнинг мулккий пайларига мувофиқ тақсимланиши; аъзоларнинг кооператив фаолияти натижалари бўйича коллектив жавобгарлиги ва масъулияти; аъзоларнинг ўз тасарруфларидаги моддий, меҳнат ва бошқа ресурсларни бирлаштириш орқали молиявий имкониятларни кенгайтириш ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга интилиши; миллий ва халқаро бозорлардаги кучли рақобат муҳитига ҳамда монополистик тузилмаларнинг босим ўтказишига биргаликда бардош бериш учун ҳамкорлик қилиш.

Кооперацияга хос бўлган бу ижобий хусусиятлар таъсирида дунё бўйлаб иқтисодий интеграциялашувнинг бу шакли тобора кенг тарқалиб бормоқда. Маълумотларга қараганда “XII аср бошларидаёқ Франция ва Швейцарияда деҳқонларнинг пишлок ишлаб чиқарувчи кооперативлари маълум бўлган.

Қишлоқ хўжалигида кооперативлар XIX-XX асрларда айниқса кенг ривожланиб, дунёнинг барча минтақаларини қамраб ола бошлади. Улар маҳсулот ишлаб чиқариш, уни сотиш ва хизматлар кўрсатишнинг кўплаб соҳаларига кириб борди ва мустақкам ўрин эгаллади. Маълумотларга қараганда 2000-йилларнинг бошига келиб деҳқончилик маҳсулотларидан ғалла, мева ва сабзавотлар сотишда кооперативларнинг улуши Данияда 47-90 %ни, Нидерландияда 65-82 %ни, Германияда 30-65 %ни, Францияда 35-75 %ни ва Буюк Британияда 19-25 %ни ташкил этган. Чорвачилик маҳсулотларидан жами сут ва сут маҳсулотлари сотишда кооперативларнинг улуши Данияда 91 %ни,

<https://conferencea.org>


Нидерландияда 84 %ни, Германияда 65 %ни, Францияда 50 %ни ва АҚШда 82 %ни ташкил этган [5].

Ҳозирги вақтда жаҳонда 700 миллионга яқин кооперативлар фаолият кўрсатиб, Халқаро кооперативлар альянси 76 мамлакатдан 192 та миллий кооперативлар иттифоқларини ўз ичига олади [1].

Кооперативларни ташкил этишда уларнинг ташкилий-функционал тузилмаси муҳим аҳамиятга эга. Чунки у кооперативни бошқариш, аъзолар ўртасида муносабатларни тартибга солиш ҳамда фойдани тақсимлаш каби масалаларни ҳал этишга имкон яратади. Бизнингча кооперативнинг ташкилий-функционал тузилмаси 3.9-расмда келтирилган тартибда бўлиши мақсадга мувофиқ (1-расм).

Фикримизча, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва саноат усулида қайта ишлаш занжирида кооперативларни икки усулда ташкил этиш мумкин:

- биринчи ҳолатда кооператив фойда олиш мақсадини кўзламайди, балки кооператив аъзолари саналадиган деҳқон ва фермерларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини таннарх баҳосида қайта ишлаб беради.



1-расм. Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича кооперативнинг ташкилий-функционал модели

Манба: муаллиф ишланмаси

Фермер ва деҳқонлар эса қайта ишланган маҳсулотларни мустақил сотиб юқори фойда олади ва кооперативни сақлаш харажатларининг бир қисмини устав капиталидаги улушига ёки жами қайта ишланган маҳсулотлардаги салмоғига мутаносиб қоплайди; - иккинчи усулда фермер ва деҳқонлар хомашёни таннарх бўйича кооперативга сотади, кооператив уларни қайта ишлаб сотади ва олинган фойда солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар тўлаб бўлингандан сўнг таъсисчилар ўртасида устав капиталидаги улушига мутаносиб тақсимланади. Фермер ва деҳқон хўжаликлари бир вақтнинг ўзида кооперативнинг мулкдорлари бўлгани сабабли, улар хомашё ва тайёр маҳсулот сифатини оширишдан манфаатдор бўлади. Шунингдек, маҳсулотни қайта ишлаб сотиш орқали кўпроқ фойда кўриш ва занжирда қўшилган қийматни ошириш имконияти яратилади.

Исроилда Мошавлар фермерларнинг хусусий кооперативлари ҳисобланиб, уларга маҳсулотни ҳамкорликда қайта ишлаш, сотишни ташкил қилишда, зарурий техникалар ва моддий ресурслар сотиб олиш, мутахассисларни ёллаш ҳамда консалтинг хизматлари кўрсатишда ёрдам беради [6].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4239-сон қарорига асосан Жиззах, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятларининг 8 та туманида жами 41 та мева-сабзавотчилик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ташкил этилган. 2020 йилда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларининг 22 та туманида 31 та, 2021 йилда республика бўйича 100 та қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ташкил этилиши кўзда тутилган [7].

Фикримизча, республикамызда кооперативларни янада кенг қўламда ривожлантириш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш жоиз:

1. Кооперативларнинг асосий вазифаларидан бири қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тўғридан-тўғри ёки қайта ишланган ҳолда сотиш эканлигидан келиб чиқадиган бўлсак, улар учун республикамызнинг турли ҳудудлари ҳамда хорижий мамлакатларда савдо уйлари ва ваколатхоналар очиш, ички ва ташқи бозорларни ўрганиш бўйича маркетинг тадқиқотларини йўлга қўйиш, халқаро озиқ-овқат ярмаркалари ҳамда кўргазмаларда мунтазам иштирок этиш, бунда хорижлик шериклар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим ҳисобланади.
2. Кооперативлар учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йил давомида бир хил температурада сақлаш имконини берувчи совуткичли омборлар, замонавий ва кичик ҳажмли қайта ишлаш корхоналари, қулай, экологик талабларга жавоб берувчи тара ва идишлар ясовчи цехлар ҳамда транспорт воситалари ва логистика тизимларини ривожлантириш долзарб вазифалардан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <http://ru.wikipedia.org/wiki/Кооператив>
2. Pindyck, Robert S., Daniel I. Rubinfeld. Microeconomics. Global Edition. –Copyright 2018, Pearson Education Limited 2018. P. 231
3. Б.Т. Салимов, М.С.Юсупов, А.С.Юсупов. Ўзбекистон агросаноат мажмуасининг жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларига интеграциялашуви: илмий монография. -Т.: Иқтисодиёт, 2013. – 78 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июндаги “Кооперация тўғрисида”ги қонуни// “Халқ сўзи” газетаси, 1991 йил 15 июн
5. Е.В. Серова. Аграрная экономика. Учебник. –М.: ГУ ВШЭ, 1999. -141 стр.
6. М.Юсупов. Агросаноат интеграцияси. Ўқув қўлланма. –Т.: Фан ва технология, 2015. – 30 б.
7. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий тенденциялари (2005-2014 йиллар). Ахборот – таҳлилий шарҳ // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти. Тошкент-2015. -17 б.